

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талаба фанни ўзлаштириши учун замонавий ахборот ва педагогик технологияларни тadbик қилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлар, электрон материал ва луғатлар, тарқатма материалларидан фойдаланилади.

Маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентатсион ва электрон-дидактик технологияларидан фойдаланилади.

Амалий машғулотларда интерактив усуллар, ақлий ҳужум, мулоқот, фикр алмашиш, баҳс мунозара, интернетдан изланиш ва тақдирот этиш, қиёсий таҳлиллар мос равишда фойдаланилади.

Қиёсий типология

Қиёсий типологиянинг бошқа фанлар билан алоқаси ва асосий тушунчалар

Инглиз ва она тиллари қиёсий типологияси ўқув режасидаги барча назарий фанлар билан узвий боғлиқ, чунки қиёслаш методи тилнинг барча сатҳларида қўлланилади. Шу сабабли қиёсий типология курси инглиз тили тарихи, назарий фонетика, назарий грамматика, лексикология, стилистика каби бошқа назарий курслар асосида ўқитилади.

Ўрганилаётган қиёсий типология фанини ўқитишда талабаларнинг умумий тилшунослик, фалсафа, мантиқ, нолингвистик типология каби фанлардан эгаллаган билимларига асосланилади. Қиёсий типология фанини ўқитишда таълимнинг замонавий методларидан, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилади.

Бунга асосан ўқитувчи ва талабаларнинг маълум бир назарий ва амалий муаммоларнинг ечимини топиш бўйича эркин фикр алмашишларини, танқидий фикрлашларини назарда тутади.

Шунингдек, қиёсий типология фанини ўқитишда замонавий ахборот технологияларидан ҳам кенг фойдаланилади, жумладан, мултимедиа ёрдамида машғулотлар ташкил этиш, намоёишлар ташкил қилиш, компьютерда тестлар ўтказиш каби тадбирлар имкон доирасида ўтказилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Фанга кириш

Қиёсий типология ихтисослик фани сифатида ўрганилаётган тиллар асосида олинган билимларни лингвистик қиёслаш, тиллар системасини таснифлаш, тизимлаш ва умумлаштиришни ўргатади. Ушбу фан тилнинг барча сатҳларига тегишли бўлган фонетик, морфологик, лексик, синтактик ва семантик системаларни қиёсий-типологик ўрганиш муаммоларини таҳлил қилади.

Қиёсий типология илмий ўрганишнинг методи сифатида. Илмий қиёслашнинг икки тури.

Лингвистик типология фан сифатида

Лингвистик типологиянинг предмети. Тилларнинг изоморфик ва алломорфик тушунчалари. Қиёсланаётган тилларнинг миқдорий чегараланиши.

Лингвистик типологиянинг ривожланиш тарихи

Лингвистик қиёслашнинг тарихи. Лингвистик типология ривожланишининг олти фактори. Лингвистик типологиянинг предмети ва йўналишларини аниқловчи асосий критериялар: тизимлар ўхшашлиги; генетик ўхшашликлар; қиёсланаётган тиллар миқдорининг чегараланганлиги ва чегараланмаганлиги; ареал чегараланиш; ички ва сиртки ўзига хосликлар; этик ва эмик ўзига хосликлар; қиёслашнинг тил таркибидаги системалар ёндашуви; тил сатҳлариаро ёндашуви; мазмуний ёндашув; шаклий ёндашув; эталон тилнинг чегараланиши; амалга оширилган/оширилмаган типологик таҳлиллар.

Лингвистик типология йўналишлари фаннинг объекти сифатида

Генетик/генеологик типология: динамик ва турғун тушунчалар. Структурал типологиянинг вазифалари ва асосий тушунчалар: а) лингвистик универсалиялар; б) мета(эталон) тил; в) типологик таснифлар. Ареал типологиянинг вазифалари. Қиёсий типологиянинг вазифалари.

Тилнинг икки режасига кўра лингвистик типология йўналишлари
а) формал типология тушунчалари; б) семантик типология тушунчалари.

Иерархия сатҳларига кўра лингвистик типология йўналишлари
Фонологик типология тушунчалари, фонетик типология тушунча ва вазифалари, морфологик типология тушунча ва вазифалари, лексик типология тушунча ва вазифалари, синтактик типология тушунча ва вазифалари .

Грамматикада категоризация муаммоси

Грамматик категория тушунчалари ва унинг турлари: мазмуний категория; функционал-семантик категория. Грамматик-лексик соҳа тушунчалари. Типологик категория тушунчаси ва унинг параметрлари. Инглиз ва ўзбек тилларида кўплик типологик категорияси. Инглиз ва ўзбек тилларида гендер типологик категорияси.

Инглиз ва она тилларининг қиёсий фонетик/фонологик типологияси

Тилнинг товуш системасини қиёсий-типологик ўрганиш муаммолари. Қиёсий фонетика. Қиёсий фонология. Вокализм ва консонантизм асосий фонологик системалар сифатида. Инглиз ва она тиллари товуш системасининг изоморфик ва алломорфик хусусиятлари. Икки тилнинг фонологик системалари ўртасидаги типологик тафовутларнинг инглиз тили талаффузини эгаллашдаги қийинчиликларни келтириб чиқариши ҳамда методик хулосалар. Суперсегмент фонемалар. Сўз урғусини таққослаш мезонлари: урғу кўчиш, кўчмаслик ҳолатлари, асосий ва иккинчи даражали урғу. Инглиз ва она тилларида сўз урғусининг фарқловчи функциялари. Инглиз ва она тилларида оҳангнинг асосий тавсифномалари. Иборанинг инвариант оҳанг тузилиши сифатида интонама тушунчаси. Бўғинли тузилмалар типологияси. Ҳар иккала тилда унли ва ундошларнинг таркиби бўйича бўғинлар тузилишининг асосий турлари. Фонемаларнинг олд, ўрта ва орқа ҳолатда жойлашувининг хусусиятлари. Ҳар иккала тилда бўғин доирасида фонемалар бирикишининг асосий ҳоллари. Ҳар иккала тилда бўғин тузилишидаги изоморфик ва алломорфик ҳодисалар

Инглиз ва она тиллари қиёсий морфологик типологияси

Ҳар иккала тилдаги морфологик тизимларнинг типологиясини аниқлаш учун зарур бўлган константаларни танлаб олиш тамойиллари. Морфологик тизимни таҳлил қилишдаги ўлчов birlikларининг аниқланиши. Морфологик қатлам birlikларининг икки томонлама жиҳати (маъно ва шакл). Сўз туркумлари. Сўз туркумларини ажратиш қоидалари. Асосий сўз туркумлари ва уларнинг таркиби. Иккала тилдаги морфологик тизимнинг асосий типологик фарқлари. Замонавий инглиз тилида аффиксациянинг ривожланганлиги ва ўзбек тилида бир белгилик аффиксал морфемаларининг кўплиги. Ёрдамчи сўзларнинг вазифаларидаги фарқлар. Қиёсланаётган тиллардаги ҳар бир сўз туркумининг асосий грамматик сигналининг таққосланиши. Грамматик категория – морфологик қатламдаги типологик ўхшашлик ва фарқларни ўлчаш бирлиги сифатида.

Алоҳида морфологик категориялар, уларнинг иккала тилдаги типологик тавсифи: келишик категорияси, сон категорияси, род категорияси, замон категорияси, нисбат категорияси, тарз (вид) категорияси, шахс категорияси ва ҳ.к.

Қиёсий лексик типологияси

Сўз тилнинг луғат таркиби бирлиги сифатида. Ўзак ва аффиксал морфемаларнинг иккала тилдаги турлари. Тилнинг лексик тизимида сўз ясовчи морфемаларнинг хусусияти. Суффикслар ёрдамида сўз яшаш. Префикслар ёрдамида сўз яшаш. Сўз яшашнинг бошқа усуллари: кўшма

сўзлар, конверсия, аббревиатура. Қўшма сўзларнинг ясалишидаги хусусиятлар. Инглиз тилида конверсия ёрдамида сўз ясаш хусусиятлари. Соф тилга оид ва ўзлаштирилган лексик бирликларнинг ўзаро муносабати ва халқнинг тарихий, иқтисодий ва маданий алоқаларини акс этадиган миллий-маданий хусусиятлари.

Лексик бирликлар типологияси. Асосий ва иккинчи даражали лексик бирликларнинг ҳар иккала тилда ўзаро муносабати. Бу воситаларнинг қиёсланаётган тилларда қўлланиш даражаси. Изоморфик ва алломорфик хусусиятлар.

Қиёсий синтактик типологияси

а) сўз бирикмаларининг типологияси

Сўз бирикмалари турлари тушунчаси. Сўз бирикмаларини турларга ажратиш критериялари. Инглиз ва она тилларида атрибутив сўз бирикмаларининг турлари. Инглиз ва она тилларида объект алоқали сўз бирикмаларининг турлари. Предикатив сўз бирикмалари ва уларнинг турлари. Ҳолли сўз бирикмалари ва уларнинг турлари. Изоморфик ва алломорфик хусусиятлар. Сўз бирикмалари компонентларининг кенгайиш йўллари типологияси.

б) фразеологик бирликлар типологияси

Турғун ва эркин бирликларни фарқлаш муаммоси, уларни фарқловчи белгилар. Турғун бирликлар ва уларнинг ҳар хил мезонларга асосан таснифи. Фразеологик бирликларнинг миллийлик хусусияти. Уларнинг маънолари, тузилишига кўра моделлари, лексик таркиби. Қиёсланаётган тилларда изоморфик ва алломорфик хусусиятлар.

в) гап типологияси

«Гап» термини тушунчаси. Гапларни турларга бўлиш критериялари. Инглиз ва она тилларида отлашган ва феъллашган гап турлари типологияси. Предикацияни ифодалашнинг типологик йўллари. Атрибуцияни ифодалашнинг типологик йўллари. Инглиз ва она тилларида гаплар типологияси. Изоморфик ва алломорфик хусусиятлар. Қўшма гаплар типологияси. Эргаш гаплар турлари ва уларнинг инглиз ва она тилида мослашуви. Йиғиқ гап бўлаклари турлари ва уларни ўзбек тилида ифодаланиш усуллари. Сўз тартиби. Сўз тартибининг асосий кўринишлари, уларнинг ҳар иккала тилда намоён бўлиши ва номуносиблик сабаблари.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Ушбу фанни ўқитиш жараёни таълимнинг интерфаол методлари, коммуникатив ёндашувларга таянган ҳолда талабаларни маълумотларни

пассив холда кабул килишларини эмас, балки уларнинг таълим жараёнида фаоллашуви, мустакил фикрлаши, фикрини эркин баён эта олиш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган ва **маъруза дарсларида** куйидаги мавзулар кўриб чиқилади :

- Лингвистик типологиянинг предмети;
- Лингвистик қиёслаш тарихи;
- Лингвистик типология ривожланишининг асосий факторлари;
- Лингвистик типология йўналишларини аниқлашнинг асосий параметрлари;
- Генетик ва генеологик типология;
- Структурал типология ва унинг бўлимлари;
- Қиёсий типология ва унинг ўзига ҳослиги;
- Тилнинг ифодаланиши ва мазмунига тегишли лингвистик типология йўналишлари;
- Тилшуносликда категоризация масаласи;
- Инглз, ўзбек ва рус тилларида кўплик категориясининг типологияси;

Амалий машғулотларида куйидаги мавзулар муҳокама қилинади:

- Лингвистик типологиянинг предмети
- Лингвистик қиёслаш тарихи;
- Лингвистик типология ривожланишининг асосий факторлари;
- Лингвистик типология йўналишларини аниқлашнинг асосий параметрлари;
- Генетик ва генеологик типология;
- Структурал типология ва унинг бўлимлари;
- Қиёсий типология ва унинг ўзига ҳослиги;
- Тилнинг ифодаланиши ва мазмунига тегишли лингвистик типология йўналишлари;
- Тилларнинг ареал, морфологик ва генеологик таснифлари;
- Тилшуносликда категоризация масаласи;
- Инглиз, ўзбек ва рус тилларида кўплик категориясининг типологияси;
- Лингвистик типологиянинг когнитив, лингвистика билан боғлиқлиги;

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар

Фан бўйича курс иши намунавий ўқув режасида режалаштирилмаган.

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Талабаларнинг назарий билим бўйича тайёргарликларини ва маъруза билан амалий машғулотларга ажратилган соатларнинг чегараланганлигини

эътиборга олган ҳолда айрим мавзуларни мустақил ўрганишга ажратиш мумкин.

Мустақил иш учун режалаштирилган мавзулар қиёсий типология фанини ўрганиш жараёнида бакалавриатура йўналиши талабаларида шаклланган тасаввур, билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаш билан бир пайтда уларнинг чуқурлаштиришга ёрдам алоҳида эътибор қаратилган бўлиши керак. Бунда қиёсланаётган тилларнинг сатҳларига хос бўлган миллий-маданий хусусиятларни, уларнинг ифодаланишидаги мазмун ва ифода планлари бирлигига, шунингдек қиёсланаётган тилларга функционал-семантик ва структуравий тавсиф бера олишга талабаларни ўргатиш керак.

Танланган мавзуларни текшириш учун амалий машғулотларда уларга доир намоёишлар тайёрлаш ва муҳокама қилиш режалаштирилади.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари

1. Лингвистик қиёслаш тарихи;
2. Лингвистик типология йўналишларини аниқлашнинг асосий параметрлари
3. Генетик ва генеологик типология;
4. Структурал типология ва унинг бўлимлари;
5. Қиёсий типология ва унинг ўзига ҳослиги;
6. Тилнинг ифодаланиши ва мазмунига тегишли лингвистик типология йўналишлари;
7. Тилшуносликда категоризация масаласи;
8. Инглиз, ўзбек ва рус тилларида кўплик категориясининг типологияси;
9. Тилларнинг типологик таснифи;
10. Тилларнинг морфологик таснифи;
11. Лингвистик универсалиялар;
12. Тилнинг ареал таснифи;
13. Тилларнинг генеологик таснифи;
14. Нолингвистик типология;
15. Семантик типология;
16. Синтактик типология;
17. Лингвистик типологиянинг лингвистик ва маданий хусусиятлари;

Дастурнинг информацион-методик таъминоти

Қиёсий типология фанини ўқитишда таълимнинг замонавий методларидан, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилади.

Ушбу фанни ўқитиш жараёни таълимнинг интерфаол методлари, коммуникатив ёндашувларга таянган ҳолда талабаларни маълумотларни пассив ҳолда қабул қилишларини эмас, балки уларнинг таълим жараёнида фаоллашуви, мустақил фикрлаши, фикрини эркин баён эта олиш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган. Бунга асосан ўқитувчи ва талабаларнинг маълум бир назарий ва амалий муаммоларнинг ечимини топиш

бўйича эркин фикр алмашишларини, танқидий фикрлашларини назарда тутати. Интерфаол методларнинг қуйидаги турларидан кенг фойдаланилади:

- ✓ ғуруҳли музокаралар (group discussion)
- ✓ жамоа лойиҳалари (project work)
- ✓ жуфтликлар бўлиб топшириқларни бажариш (pair work)
- ✓ якка ҳолда маълум мавзу бўйича презентациялар қилиш (individual presentation)
- ✓ давра суҳбатлари ўтказиш (round-table discussion)
- ✓ Инсерт техникаси (insert technique)
- ✓ Пинборд техникаси (pinboard)
- ✓ кейс- стади (case-study)
- ✓ ақлий хужум (brainstorming) ва ҳ.

Шунингдек, қиёсий типология фанини ўқитишда замонавий ахборот технологияларидан ҳам кенг фойдаланилади, жумладан, мультимедиа ёрдамида машғулотлар ташкил этиш, Power Point : дастури ёрдамида презентациялар ташкил қилиш, компьютерда тестлар ўтказиш каби тадбирлар имкон доирасида тез-тез ўтказилади.